

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ
УНИВЕРСИТЕТИ

Курс иши

Мавзу:

ҲУЖАЛИК ТАДБИРКОРЛИК ШАРТНОМАЛАРИ

Бажарди: Қурбонов Маъруфжон

Қабул қилди: Бозаров Сардор

Тошкент 2013

Режа:

1-§ Хўжалик шартномаси тушунчаси, субъектлари ва аҳамияти

2-§ Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш

3-§ Хўжалик шартномаларини бажариш

4-§ Шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташиқил етиш. Хўжалик шартномаларини тузиш ва бажаришни назорат қилиш

5-§ Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик

1-§. Хўжалик шартномаси тушунчаси, субъектлари ва аҳамияти

Мустақил республикаларда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар, маъмурий буйруқбозлик тузимидан воз кечиш ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар-ни амалга оширишни ва биринчи навбатда ишлаб чиқа-риш-хўжалик алоқалари ўрнатишнинг бозор муносабат-ларига мос шакл ва услубларини яратишни тақозо қилади.

Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, илгари “Бир корхонанинг иккинчи корхонага маҳсулот етказиб бериши, уларни қайси ҳудудда жойлашганлигидан қатъи назар марказлаштирилган тарзда амалга оширилар ва бунинг учун маблағлар ва фондлар ажратиларэди. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулот керакми ёки керак емасми, унга талаб борми ёки йўқми, бундан қатъи назар, у бутун Иттифоқ бўйича мол етказиб берувчилар ва истеъмолчиларга тақ-симланиб чиқиларэди. Бириктирилган истеъмолчи эса бу маҳсулотни олиши ва ўз навбатида, ўз маҳсулотини бошқа корхоналарга етказиб бериши шартэди”¹. Яъни корхоналар ўртасидаги хўжалик муносабатлари ажратилган лимитлар, фондлар, нарядлар ва буюртмаларга асосланган бўлиб, шартномалар тузилмас, тузилса ҳам иккинчи даражали аҳа-миятга ега бўлган ҳужжат сифатида қараларэди.

Бозор муносабатлари шароитида эса шартномалар— барча мулк шаклидаги корхоналар, шунингдек тадбиркорлар, ҳамда бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Бу ҳақда 2001 йил 16 февралда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда И.А.Каримов – “бозор муносабатларини шартнома мажбуриятларисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ёдда тутиш лозим”- деб уқтирди. ².

Шартномаларнинг етакчилик роли ва иқтисодий муно-сабатларни ўрнатишнинг янги тамойиллари ҳуқуқий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси; мулк; кооперасия; ижара; тадбиркорлик; деҳқон, фермер, ширкат хўжаликлари; аксиядорлик жамиятлари ва аксия-дорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; банклар ва банк фаолияти; чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторларнинг кафолатлари; хўжалик юритувчи субъектлар фао-лиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги ва бошқа қонунларда белгилаб қўйилган.

Шартнома деб икки ёки бир неча (жисмоний ёки юридик) шахснинг ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувга айтилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ййлида. Т., Ўзбекистон. 1995. 209-210-бетлар

² Хабарнома 1, Т.: 2001. 41-бет.

Шартнома тарафларнинг битими (келишуви) сифатида қуйидаги белгилар билан характерланади:

- а) тарафларнинг еркини еркин ифодаланиши;
- б) унинг мазмунини ташкил етувчи барча муҳим шарт-лар бўйича тарафларнинг келишганлиги;
- в) тарафларнинг ўз мажбуриятлари бўйича ҳаракат-ларини (қоида тариқасида) ҳақ евазига бажариши;
- г) шартнома муносабатларида тарафларнинг тенглиги;
- д) шартномани ижро қилишнинг юридик кафолати;
- ж) шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавоб-гарлик.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юри-тувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Хўжалик шартномаси деб тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳа-қини тўлаш мажбуриятини оладиган келишувга айтилади.

Юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил етмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар хўжалик шартномаларининг субъектлари (тарафлари) бўлади.

Хўжалик шартномаси тарафлари белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга ега:

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат етиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қо-нуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усуллари қўллаш.

Хўжалик шартномасининг тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам ега бўлишлари мумкин.

Хўжалик шартномаси тарафлари:

хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя етишлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш;

тузилган хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

Хўжалик шартномаси тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам ега бўлади.

Хўжалик шартномаси - фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ҳисобланиб, унга нисбатан Фуқаролик кодексининг битим-лар ва шартномаларга тегишли барча нормалари тадбиқ қилинади.

Шу билан бир қаторда хўжалик шартномаси ўзига хос хусусиятлар ега бўлиб, улар қуйидагилардир:

биринчидан – шартнома фақат тадбиркорлик фаолияти соҳасида - яъни фойда олиш мақсадида;

иккинчидан – шартнома юридик шахслар ва яқка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар ўртасида;

учинчидан – шартнома товарлар бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисида;

тўртинчидан – шартнома фақат ёзма тарзда тузилади.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: хўжалик шартномаларини тузишнинг еркинлиги; тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги; шартнома интизомига риоя этиш; тарафларнинг ўзаро мулкӣ жавобгарлиги.

Хўжалик шартномалари фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг бир кўриниши бўлганлиги сабабли шартнома тузиш еркинлиги тамойили ҳам Фуқаролик кодексида белгиланган қоидаларга асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг тенглиги, мулкнинг дахлсизлиги билан бир қаторда шартнома еркинлиги ҳам фуқаролик ҳуқуқининг асоси сифатида таърифланади. Шартнома еркинлигининг моҳияти ва маъноси кодекснинг 354-моддасида очиқ берилган. Бу моддада барча фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда еркин деб еътироф этилганлар.

Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи Фуқаролик кодексида, бошқа қонун ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Масалан, агар тегишли маҳсулот турига давлат бурютмаси берилган бўлса, давлат еҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш мажбурийдир.

Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномаларни, шунингдек турли шартномаларнинг элементлари ўз ичига оладиган аралаш шартномани ҳам тузишлари мумкин.

Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатлари императив нормаларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Мисол учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактасия шартномасида бошқа шартлар билан бир қаторда хўжаликка белгиланган фоиздан кам бўлмаган миқдорда аванс тўлаш назарда тутилиши лозим.

Шундай қилиб, барча хўжалик юритувчи субъектлар шартнома тузишда еркиндирлар, яъни улар нима ҳақда, ким билан шартнома тузишни танлашлари, мажбуриятларни, ўзаро хўжалик муносабатларининг амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа ҳар қандай шартларини мустақил аниқлашлари мумкин.

Демак, хўжалик шартномаси: – тарафлар ўртасидаги мажбуриятларни келиб чиқишининг асоси ҳисобланади; хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фаолиятини режалаштиришга асос бўлади; тарафлар ўртасидаги мулкӣ муносабатларни ҳуқуқӣ шакли ҳисобланади.

2-§ Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни аксептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга еришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Хўжалик шартномаси шартнома предметини, етказиб бериладиган товарнинг миқдори, сифати, ассортимент ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низо-ларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизи́т-ларини, шартнома тузилган сана ва жойни ва бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Хўжалик шартномасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланаётганда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўлаб қўйиш албатта назарда тутилган бўлиши керак.

Хўжалик шартномасини тузишда тарафлар тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган ҳамда ҳуқуқӣ экспертизадан белгиланган тартибда ўтказилганидан сўнг эълон қилинган ўзларининг намунавий ёки типовой шартларига (шакллари́га) амал қилишлари мумкин.

Хўжалик шартномасини тузилиш жиҳатидан шартли ра-вишда тўрт қисмга:

- 1) кириш;
- 2) шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбу-риятлари;
- 3) шартноманинг қўшимча шартлари;
- 4) шартноманинг бошқа шартларига ажратиш мумкин.

Хўжалик шартномасининг кириш қисмида қуйидагилар – шартноманинг номи (маҳсулот етказиб бериш, кредит, транспорт воситалари ижараси, қурилиш пудрати ва х.к.); шартномани имзолаш вақти ва жойи; шартнома тарафларининг тўлиқ номи, шартнома бўйича тарафларнинг аталиши (масалан: “маҳсулот етказиб берувчи”, “пудратчи” ва ш.к.); шартномани имзолаётган шахснинг мансаби ва нас-ли-насабининг тўлиқ номи, шунингдек унга шартномани имзолаш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (устав, низом ёки ишончнома) кўрсатилиши лозим.

Юқоридагиларни шартномада тўлиқ ва аниқ ифодаланиши муҳим аҳамиятга эга. Масалан, шартноманинг аниқ номланиши тарафларга ва бошқа шахсларга қандай ҳуқуқий муносабатлар ҳақида сўз юритилаётганлиги тўғрисида ўша заҳоти тушунча берса, шартнома имзоланган вақт (йил, ой, кун) шартнома имзоланган пайтга аниқлаш ва амал қилиш муддатини қачон тугаши, яъни бу билан боғлиқ юридик оқибатларни белгилаш имкониятини беради.

Хўжалик шартномасининг иккинчи қисми унинг катта аҳамиятга эга бўлган шартларини ўз ичига олади: шартнома предмети; биринчи тарафнинг шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари; иккинчи тарафнинг шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари; тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари; тарафлар мажбуриятларини бажариш жойи; тарафлар мажбуриятларини бажариш усуллари (ҳаракатлар тартиби, кетма-кетлиги ва х.к.).

Ушбу шартларнинг мазмуни шартноманинг турига ва унинг қандай ҳолатга нисбатан тузилишига боғлиқ бўлади ва Фуқаролик кодекси ва амалдаги норматив ҳужжатлар қоидалари асосида шаклланади.

Хўжалик шартномасининг учинчи қисми шундай шартларни ўз ичига оладики, уларни шартномада кўзда тутиш мажбурий эмас. Аммо, бундай шартлар мавжуд бўлган тақдирда тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларига, шунингдек уларни бажариш тартибига сезиларли таъсир қилади.

Хўжалик шартномасининг қўшимча шартларига– шартномани амал қилиш муддати; тарафларнинг жавобгарлиги; мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари; шартномани бир тарафлама бекор қилишнинг асослари ва оқибатлари; шартнома бўйича маълумотларни сир сақлаш ҳақидаги; низоларни ҳал қилиш тартиби кабилар киради.

Тарафларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари кўрсатилган тақдирда ҳам хўжалик шартномасининг амал қилиш муддати кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат шартномани амал қилиш муддати қачон тугашини билиш ва тарафлар шартномани бажаришдан бош тортганлик учун талабнома ва даъво қилиш муддатини бошланишини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шартнома шартлари бузилган тақдирда тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларини таъминлаш мақсадида шартномада тарафларнинг жавобгарлиги кўзда тутилади. Одатда, ҳар бир шартномада жавобгарлик келишилган шартларнинг бирини бажармаган тарафга нисбатан

неустойка (жарима, пеня) кўринишида санксия белгиланиши билан ифодаланади.

Хўжалик шартномасининг қўшимча шартларидан яна бири—бу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллариidir. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик шартномасининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закатлат ҳамда қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

Одатда хўжалик шартномалари фақат тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин, аммо тарафлар шартномада уни бир тарафнинг ташаббуси билан ҳам бекор қилиш тўғрисидаги шартларни киритишларига йўл қўйилади. Шунингдек шартномада унинг қайси шартлари сир сақла-ниши ва тарафлар томонидан ошкор қилиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилиши мумкин.

Республикаимизда иқтисодиёт ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган низоларни ҳал қилиш хўжалик судлари судловига тааллуқлидир. Бироқ, хўжалик процессуал қонунчилигида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ёки келиб чиқиши мумкин бўлган ҳамда хўжалик судига тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан ҳакамлар судида кўриш учун топширилиши мумкинлиги белгиланган. қоида тариқасида, даъволар жавобгар жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим етилади. Аммо, даъвони жавобгар жойлашган жойда тақдим етиш ва даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тегишлилик тараф-ларнинг розилиги билан ўзгартирилиши ҳамда низони ҳал қилиши лозим бўлган хўжалик судининг номи шартномада аниқ белгиланиши ҳам мумкин.

Хўжалик шартномасининг тўртинчи қисми ўз ичига - тарафлар ўртасидаги муносабатлар шартномадан ташқари яна нималар билан тартибга солинишини; тарафлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ҳақидаги; шартнома тузишдан олдин олиб борилган ишлар ва уларнинг шартнома имзолангандан кейинги натижалари; тарафларнинг реквизитлари; шартнома нусхалари сони ҳақидаги маълумотни; шартнома матнига ўзгартиришлар киритиш тартибини; тарафлар вакилларининг имзоларини олади.

Тарафлар шартномада ўз зиммаларига олган аниқ мажбуриятларни белгилаб олиши табиий бир ҳолдир. Унга шартнома бўйича тарафлар ўртасидаги барча муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаларини киритишнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун, одатда шартноманинг бошқа шарт сифатида унга қуйидаги жумла киритилади: “Мазкур шартномада назарда тутилмаган шартлар бўйича тарафлар амалдаги қонунчиликка риоя қиладилар”.

Тарафлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ҳақидаги шартларда — ахборот бериш ва шартноманинг бажарилишига тааллуқли бўлган масалаларни ҳал қилишга ваколатли шахслар (номлари ёки мансаби), шунингдек алоқа турлари (телефон, факс ва ҳ.к) кўрсатилади.

Шартнома тузишдан олдин олиб борилган ишлар ва уларнинг шартнома имзолангандан кейинги натижалари тўғрисидаги бандда тарафлар

шартномани тузиш бўйича олиб борилган барча мулоқотлар, ёзишмалар, олдиндан келишиб олишлар ва шу мақсаддаги баённомалар ўз кучини йўқотганлиги белгиланади.

Тарафларнинг реквизитларига – почта индекси, манзили, ҳисоб–китоб рақами, банк муассасанинг номи, коди, МФО, солиқ тўловчининг идентификация рақами, юклаш реквизитлари киради ва улар ҳўжалик шартномасида аниқ кўрсатилиши лозим. Шартнома нусхалари сони ва унинг ҳақиқийлиги унда кўрсатилади. Шартнома матнига ўзгар-тиришлар киритиш тартибининг белгиланиши шартномани қалбакилаштирилишини олдини олади.

Ҳар бир шартномада маълум бир шахснинг хоҳиш-истаклари баён қилиниши муносабати билан шартнома ўша шахс ёки унинг тўлиқ ваколатга ега бўлган вакили томонидан имзоланади, шунингдек, шартномада юридик хизмат ходими ёки адвокатнинг имзоси бўлиши талаб қилинади.

Ҳўжалик шартномаси ёзма шаклда тузилади. қонун-чиликда шартнома ёзма шаклининг уч хил тури кўрсатилган. Амалиётда шартноманинг оддий ёзма шакли кенг тарқалган бўлиб, у тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан тузилади.

Ҳўжалик шартномаси, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин. Агар қонун ҳужжатларига ёки тарафлардан бирининг талабларига зид бўлмаса битим тузиш чоғида имзодан факсимиле усулида нусха кўчириш воситаларидан фойдаланишига йўл қўйилади.

Ҳўжалик шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий емаслигига олиб келади. Ҳўжалик шартномаси қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланиши шарт. Шартномани нотариал тасдиқлаш нотариус ёки бундай но-тариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига ега бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан шартномада тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларида айрим ҳўжалик шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш белгилаб қўйилган. Масалан, ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ ҳўжалик шартномалари (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Шартноманинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қил-маслик ҳўжалик шартномасининг ҳақиқий емаслигини кел-тириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Ҳўжалик шартномаларини тузишда айрим қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатлар томонидан ўрнатилган муҳим хусусиятларни ҳисобга олиш зарурдир. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қо-

нунида жамиятнинг мол-мулкни олиши ёки уни тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ “йирик битимлар” (шартномалар) алоҳида қайд қилинган.

Унда қуйидагилар йирик битимлар (шартномалар) деб ҳисобланади:

битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга ега бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ ёхуд жамият бевосита ёки билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши еҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғ-ланган бир неча битим (оддий хўжалик фаолиятини юритиш асносида содир етиладиган битимлар бундан мустасно);

жамият томонидан илгари жойлаштирилган оддий (одатдаги) аксияларнинг йигирма беш фоизидан кўпроғини ташкил етадиган оддий (одатдаги) аксияларни ёки оддий (одатдаги) аксияларга айрибошланадиган имтиёзли аксияларни жойлаштириш билан боғлиқ бир ёки ўзаро боғланган бир неча битим.

Йирик битимга сабаб бўлган мол-мулк қийматини аниқлаш жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг йигирма беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил етувчи мол-мулк хусусида бўлган йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан яқдиллик билан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашининг таркибдан чиқиб кетган аъзолари овози ҳисобга олинмайди.

Йирик битим тузиш масаласида жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига еришилмаган ҳолларда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгаши қарорига мувофиқ аксиядорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола етилиши мумкин.

Битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг эллик фоизидан ортиқ қийматни ташкил етувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор аксиядорлар умумий йиғилиши томонидан йиғилишда қатнашаётган овоз берувчи аксиялар егалари бўлган аксиядорларнинг тўртдан уч қисмдан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади. Шунинг учун ҳам хўжалик шартномаларини тузиш жараёнида шартномани имзолаётган шахс ваколатини текшириш муҳим аҳамиятга ега.

Агар шахснинг хўжалик шартномасини тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёинки шартнома тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва шартномани тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, шартномадаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина шартнома чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий емас деб топилиши мумкин.

Хўжалик шартномаси тузилган пайдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим. Хўжалик шартномаси тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Хўжалик шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Хўжалик шартномасини ўзгартириш ҳақидаги келишувда қуйидагиларнинг кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади, яъни: қайси шартнома ўзгартирилади (шартноманинг рақами, санаси, номи); шартномани ўзгартириш сабаби; ўзгартирилаётган ёки қўшимчалар киритилаётган шартлар ва уларнинг янги тахрири; ўзгартириш киритилгандан кейин аввалги шартларнинг юридик кучини йўқотиши ҳақидаги банд; ўзгартириш ёки қўшимча киритилишидан олдин мазкур шартлар бўйича юзага келган масалаларни ҳал қилиш тартиби.

Тарафларнинг шартномани бекор қилиш ҳақидаги келишувида эса қуйидаги маълумотлар киритилиши лозим: қандай шартнома бекор қилинаётганлиги; қайси вақтдан шартнома бекор қилинаётганлиги; шартнома бекор қилинишидан олдин мазкур шартнома юзасидан вужудга келган масалаларни ҳал қилиш тартиби; шартнома бекор қилингандан кейин тарафларнинг мазкур шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқлари ўз кучини йўқотиши тўғрисидаги банд.

Хўжалик шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки хўжалик шартномасининг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тарафлардан бирининг талаби билан хўжалик шартномаси хўжалик судининг қарорига биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Тарафлардан бирининг хўжалик шартномасини бузиши иккинчи тарафга у хўжалик шартномаси тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши хўжалик шартномасини жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, хўжалик шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин. Демак, хўжалик шартномалари қонунчилик

хужжатларида ёки шартномада белгиланган ҳолларда бир тарафлама ёки хўжалик судининг ҳал қарори билан бекор қилиниши мумкин.

Хўжалик шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш ҳам ёзма шаклда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунда ички хўжалик шартномаларини тузиш қоидалари ҳам белгиланган. Ички хўжалик шартномаси, қоида тариқасида, хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида ёки хўжалик юритувчи субъект ва унинг ходими (бир гуруҳ ходимлари) ўртасида тузилади.

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш юзасидан ички хўжалик шартномаларининг ўзлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тузган хўжалик шартномаларидагидан кам бўлмаган ҳажмда тузилишини таъминлашлари шарт.

Ички хўжалик шартномаларига оилавий пудрат, хўжалиги билан ширкат хўжалиги ўртасидаги шартномалар яққол мисол бўла олади. Ички хўжалик шартномалари ўз ҳуқуқий табиатига кўра фуқаролик-ҳуқуқий ва меҳнат-ҳуқуқий нормалар дурагайидан иборат шартнома бўлиб ҳисобланади. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ички хўжалик шартномаларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 353-385-моддаларининг нормалари қўлланилади.

3-§ Хўжалик шартномаларини бажариш

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса—иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Хўжалик шартномасини бажариш жараёни изчил амалга ошириладиган ҳаракатлар тизимидан иборат бўлиб, бу тизимни икки босқичга, яъни моддий ва ҳуқуқий бос-қичларига ажратиш мумкин.

Хўжалик шартномасини бажаришнинг моддий босқичи иккита ўзаро боғлиқ ҳаракатларни: бир тарафнинг товарларни, бажарган иши ва кўрсатган хизмати натижаларини беришни ҳамда иккинчи тарафнинг бу нарсаларни қабул қилиб олишини ўз ичига олади. Шартномани бажариш муддати, уни бажариш жойи, шартноманинг баҳоси, шартномани бажариш усуллари ана шундай талаблар жумласидандир.

Хўжалик шартномасида унинг бажариш вақти назарда тутилган ёки уни аниқлаш имкони мавжуд бўлса, у ҳолда шартномавий мажбурият ўша вақтда бажарилиши керак. Умумий қоидага кўра, тараф шартномани муддатидан илгари бажариши мумкин эмас. Бироқ, агар тарафлар учун бундай ҳолат шартномада назарда тутилган ва бунга иккинчи тараф розилик берган бўлса мажбуриятни муддатидан илгари бажариши мумкин.

Шартномавий мажбуриятни бажариш муддати талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, биринчи тараф (кредитор) ҳар қачон ижрони талаб қилишга, иккинчи тараф (қарздор) эса ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Хўжалик шартномаси бўйича мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун ёки шартноманинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида мажбуриятнинг бажариш жойи кўрсатилмаган бўлса ва мажбуриятнинг моҳиятидан ёки иш муомаласи одатларидан англашилмаса, умумий қоидага кўра мажбурият - қарз-дорнинг яшаш жойида, агар қарздор юридик шахс бўлса, унинг жойлашган ерида бажарилиши керак. Аммо, бу қоиданинг бир нечта истиснолари мавжуддир: кўчмас мол-мулкни топшириш мажбуриятлари бўйича мол-мулк турган жойда; ташишни назарда тутадиган товар ёки бошқа мол-мулкни топшириш мажбуриятлари бўйича – товарни кредиторга етказиб бериш учун уни биринчи ташувчига топшириш жойида; қарздорнинг товарни топшириш юзасидан ўзга мажбуриятлари бўйича – товарни тайёрлаш ва сақлаш жойида, башарти мажбуриятнинг келиб чиқиши пайтида бу жой кредиторга маълум бўлган бўлса; пул мажбуриятлари бўйича – мажбурият вужудга келган пайтда кредитор яшаган жойда, агар кредитор юридик шахс бўлса-унинг маж-бурият вужудга келган пайтда жойлашган ерида бажарилади.

Хўжалик шартномасида товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нархи кўрсатилган бўлса, иккинчи тараф товарни (ишни, хизматни) шартномада кўрсатилган баҳода қабул қилиб олади. Шартнома тузилгандан кейин баҳоларни шартномада назарда тутилган ҳолат ва шартлардагина ўзгартириш мумкин.

Хўжалик шартномасини бажариш усули-бу унда белгиланган мажбуриятларни бажариш жараёнида тарафлар амалга оширадиган ҳаракатлар тартибидир. Умумий қоидага кўра, агар мажбуриятларни қисмларга бўлиб бажариш назарда тутилмаган бўлса, бир мартада батамом бажарилиши керак. Шартнома бўйича тарафларнинг ўзаро мажбуриятлари бир вақтда бажарилиши лозим, агар шартномада бошқа ҳолатлар кўрсатилган бўлмаса. Шунинг учун тарафлар хў-жалик шартномасини тузишда вужудга келадиган ўз маж-буриятларини бажариш тартибини аниқ ва пухта, қонун талабларига мувофиқ равишда белгилашлари шарт.

Хўжалик шартномасини бажариш тартибининг иккинчи босқичи, яъни ҳуқуқий босқичининг моҳияти шартнома бўйича бажарилган ишни, кўрсатилган хизматни, етказилган товарни сон ва сифат жиҳатдан текшириш, шунингдек, бажариш фактини ҳужжат билан тасдиқлашдан иборат. Шартнома бўйича бир тараф иккинчи тараф олдида ўз мажбуриятларини моддий жиҳатдан бажариши, унинг ўз мажбуриятларини юридик жиҳатдан бажарганлигини англамайди. Бошқача қилиб айтганда, биринчи тараф ўз мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан расмийлаштиргандан кейингина иккинчи тараф олдидаги ана шу

мажбуриятларидан халос бўлади. Демак, шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятни бажарилганлигини тасдиқлаш уни ҳужжат билан расмийлаштирилишини талаб қилади.

Хўжалик шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйи-дагилар бўлиши мумкин: а) товарлар (ишлар, хизматлар)ни топшириш-қабул қилиб олиш далолатномаси; б) банк муассасаси томонидан тасдиқланган ва товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақи тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати; в) транспорт ташкилоти томонидан берилган ва товар уни олувчи манзилига жўнатилганлиги ҳақидаги юк хати; г) товар сотувчининг омборига топширилгани-қабул қилиб олингани ҳақидаги ҳужжат; д) бошқа ҳужжатлар ва гувоҳномалар.

Товарлар одатда, ҳисоб-фактура, рўйхат, ўраш ёрлик-лари, юк хати ва бошқа кузатув ҳужжатлари бўйича сонига қараб қабул қилиб олинади. Товарни қабул қилиб олувчи тараф юк ташиш пайтида товарни сақлаш қандай таъ-минланганлиги (пломба ва идишлар бузилмаганлиги, марка белгиси мавжудлиги ва ҳ.к)ни текшириб кўради. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни сифатига қараб қабул қилиш етказиб берилган товар (бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хиз-матлар)нинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар—техник паспорт, сертификат, сифат ҳақида гувоҳнома ва бошқа ҳужжатлар бўйича амалга оширилади.

Товарни сони ва сифати ҳақидаги қабул қилиш ҳужжати товар етказиб берувчига нисбатан тегишли еътирозлар билдириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Товарларни сони ва сифати бўйича қабул қилиш қоидаларини бузилиши эса билдирилган талабнома ва даъволарни рад қилинишига олиб келади. Хўжалик шартномалари бўйича мажбуриятлар ба-жа-рилганлигини расмийлаштиришнинг яна бир усули – айни бир тарафларнинг бир-бирига боғловчи икки ёки бир неча мажбуриятларни бажариш шакли бўлган ўзаро та-лабларни ҳисобга ўтказишдир. Бунда бир тарафнинг та-лабларини қаноатлантириш бошқа мажбуриятдан келиб чиқувчи қарши тараф талабларини бажариш йўли билан амалга оширилади.

қуйидаги шартларга риоя қилинганда ўзаро талабларни ҳисобга ўтказиш мумкин бўлади: а) ҳар икки тарафнинг бир-бирига нисбатан талаблари бўлиши; б) талаблар бир-бирига ўхшаш бўлиши; в) мажбуриятларни бажариш муддати келган бўлиши лозим. Ҳисобга ўтказиш тарафларнинг келишувига мувофиқ баённома ёки икки тараф ўртасида тузиладиган бошқа ҳужжат ёхуд тарафлардан бирининг аризаси шаклида рас-мийлаштирилиши мумкин.

4-§. Шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил етиш. Хўжалик шартномаларини тузиш ва бажаришни назорат қилиш

Шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил етишда юридик хизматнинг вазифалари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналардаги юридик хизмат тўғрисидаги Низом” ва бошқа бир қатор қонунлар ва норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Хўжалик шартномаси субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш уларнинг юридик хизматлари ёки шу мақсадда шартнома асосида жалб етилган адвокатлар томонидан амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати:

- хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя етилишини назорат қилади;

- хўжалик шартномалари бажарилиши устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

- хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим етилаётган хўжалик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

- тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос емаслиги аниқланган тақдирда, ўз еътирозини асослаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

- шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок етади.

Хўжалик шартномалари уларни имзолаш учун тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб етилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

қонун ҳужжатларида белгиланган енг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хў-жалик шартномалари юридик хизматнинг ёки адвокатнинг ёзма ҳулосасидан кейингина тузилади.

Ҳулосада, қоида тариқасида, қуйидагилар кўрсатилади:

- хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

- хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз ара-лашувларнинг олдини олиш, шунингдек шартнома тузиш еркинлиги принципига риоя қилинишни таъминлаш мақсадида амалдаги қонунлар билан давлат ҳокимияти ва бош-қаруви органларининг хўжалик шартномаларини тузиш ҳамда бажариш жараёнидаги ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

давлат еhtiёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномаларини, шунингдек контрактасия шартномаларини тузиш ва бажариш ишларини мувофиқлаштириб боради;

хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини ривожлантириш учун шароит яратиш чора-тадбирларини кўради.

Давлат бошқарув органлари эса ўз ваколатлари доирасида:

хўжалик шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатади;

хўжалик шартномалари ҳамда уларни бажаришнинг ахволи тўғрисидаги статистика маълумотларини умумлаштиради;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қилиб туради;

хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматларининг ишини ташкил этишга, юридик маслаҳатчиларнинг малакасини оширишга кўмаклашади;

хўжалик шартномасини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилганлиги факти аниқланган тақдирда, айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини кўяди.

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни қонунларга мувофиқ прокуратура органлари амалга оширадилар. Бу органлар айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Адлия органлари хўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида ҳу-қуқий ёрдам кўрсатадилар, шунингдек ўз ваколатлари дои-расида хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қиладилар.

5-§ Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик

Мажбурият-фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга

мажбур бўлади, кредитор эса—қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига ега.

Мажбуриятлар шартнома шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатлари ёки одатда қўйи-ладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажа-рилиши керак. Мажбуриятларни бажармаган ёки лозим да-ражада бажармаган шахс фуқаролик-ҳуқуқий жавоб-гарликка тортилиши мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келиш асосига кўра, шартномавий ва шартномадан ташқари жавобгарликка бўлинади.

Шартномавий жавобгарлик деб шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликка айтилади.

Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини ба-жармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу та-раф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди; қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Зарар деганда, шартнома мажбуриятлари бажарил-маганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги муноса-бати билан тараф қилган харажатлар, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (**ҳақиқий зарар**), шунингдек, агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажар-ганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (**бой берилган фойда**) тушунилади (ФКнинг 14-моддаси).

Шундай қилиб, зарар тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Мулкнинг йўқолиши, жисмонан йўқ қилиниши ёки хўжалик оборотидан чиқиб кэтиши. Масалан, юк сақловчи ўз омборидаги мулкни сақлаш мажбуриятини бажармаса ва ашё унинг бепарволиги оқибатида ўғирланса.

2. Мулкнинг шикастланиши ва оқибатда истеймол си-фатини, ташқи кўринишини йўқотиши, қийматининг па-сайиб кэтиши.

Мулкка шикаст етказилганда унинг қийматининг ка-майиш миқдори ёки етказилган шикастни бартараф етиш харажатлари аниқланади. Бундай зарар шартноманинг идиш ва ўраш ҳақидаги шартлари бузилиши, етказиб берилаётган ускуналарнинг синиши, шунингдек, масалан, ижарага олувчи ижарага олинган мулкдан тегишли тартибда фойдалан-маганлиги оқибатида уни зудлик билан таъмирлаш талаб қилинадиган ҳолатга келтириб қўйиши натижасида етка-зилиши мумкин.

3. Тарафнинг харажатлари. Масалан, ишлаб чиқариш-нинг тўхтаб қолиши натижасида қилинган харажатлар, қабул қилиб олинган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар)даги камчиликларни бартараф етиш харажатлари, тўланган неустойкалар ва зарарни қоплашга кетган хара-жатлар.

4. Тараф ололмай қолган даромад (бой берилган фой-да)-айбдор тараф шартнома мажбуриятларини бажарган тақдирда ҳуқуқи бузилган шахс олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар, яъни айбдор тараф

тўғ-ридан-тўғри етказмаган бўлсада, унинг айбли ҳаракат-лари ёки ҳаракатсизлиги натижасида олиниси мумкин бўлган фойдани бой бериш натижасида кўрилган зарар.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра неустойка (жари-ма, пеня) тўланганлигидан қатъи назар, шартнома мажбу-риятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

Етказилган зарарни ундириш учун зарар кўрган тараф қуйидагиларни: биринчидан, мажбуриятнинг ҳақиқатдан бажарилмаганлигини; иккинчидан, зарарнинг мавжудлигини; учинчидан бузилган мажбурият билан етказилган зарар ўртасида сабабий боғланиш борлигини ва, тўртинчидан, етказилган зарар қанча миқдорда еканлигини исботлаб бериши зарур. Агар қонун ёки шартномада зарарни тўлашни чеклаш, яъни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, етказилган зарарни тўла ҳажмда қопланиши зарурлиги тамойилига амал қилинади.

Етказилган зарарнинг нархини аниқлаш бўйича Фуқа-ролик кодексида (324-м.) янги қоида белгиланган. Зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий равишда қа-ноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноат-лантирилган бўлмаса—даъво кўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар еътиборга олиниси назарда тутилади. Бу масала бўйича низо судда кўрилган тақдирда суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни еътиборга олган ҳолда аниқлаши ва қаноатлантириши ҳам мумкин.

Олинмай қолган даромад (бой берилган фойда) га мажбурият бажарилган тақдирда жабр кўрган тараф олиши мумкин бўлган барча даромадлар киритилади. Зарарнинг мазкур шаклини ўзига хос хусусияти шундаки, кредитор томонидан даромади ҳақиқатда олинмаган бўлади, лекин қарздор ўз мажбуриятини тегишли тарзда бажарган тақ-дирда кредитор шу фойдани олиши мумкинлиги еъти-борга олинади. Олинмай қолган даромадни ундириш ҳақида даъво билдирилган тақдирда, даъвогар ушбу фойдани олиши мумкинлиги ва бунга имконият мавжуд бўлганлигини, фақат жавобгар ўз мажбуриятларини бузганлиги сабабли фойдани олишдан маҳрум бўлганлигини исботлаши шарт.

Бироқ, товарларни сотишдан тушган пул тушуми хи-собидан фойда олиш фақат шу товар тайёрланган ва истеъмолчига етказиб берилган ҳолдагина амалга ошири-лиши мумкин, шу сабабдан даъвогар унда ушбу товарни сотиш имконияти борлигини ва сотишдан тушган маблағ ҳисобидан назарда тутилган фойда олиши мумкинлигини исботлаб бериши шарт.

Бошқача қилиб айтганда, даъвогар ушбу фойдани олиш учун ҳақиқатда имкониятлар мавжуд бўлганлигини исбот-лаши шарт. Бой берилган фойда миқдорини исботлаш чоғида даъвогарнинг тахминий ҳисоб-китоблари ёки тахминий фаразлари ҳисобга олинмайди, балки даромад олиш имко-нияти мавжудлиги ҳақида гувоҳлик берадиган ёзма да-лиллар: даъвогар билан унинг ҳамкорлари ўртасида тузилган шартномалар, тегишли шартнома тузиш

ҳақида таклиф би-лан улардан олинган кафолат хатлари, даъвогарнинг шартнома тузиш ҳақидаги таклифига унинг ҳамкорлари берган ёзма ижобий жавоблар, келажакда ният қилинган ишлар тўғрисида тузилган баённомалар ва ҳоказолар талаб қили-нади.

Олинмай қолган даромаднинг миқдори (бой берилган фойда), агарда мажбурият бажарилган бўлганида, кредитор қилиши лозим бўлган оқилона харажатлар ҳисобга олиниб аниқланади. Чунончи, хом ашё ёки бутловчи буюмларни етказиб бермаслик натижасида олинмай қолган фойда тарзидаги зарарни қоплаш ҳақидаги талаб бўйича бундай фойданинг миқдори у товарларни харидор билан тузилган шартномада назарда тутилган тайёр маҳсулотларни сотиш баҳосидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Бунда етказиб берилмаган хом ашё ёки бутланиши лозим бўлган буюмлар қиймати, транспорт-тайёрлаш ҳа-ражатлари ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар қиймати чегириб таш-ланади. Бой берилган фойдани аниқлашда кредитор томо-нидан уни олиш учун кўрилган чоралар ва шу мақсадда кўрилган тайёргарликлар ҳисобга олинади. Тарафлар шарт-номада мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда айбдор тараф иккинчи тарафга қоплаши лозим бўлган зарар миқдорини мустақил белгилашлари ҳам мумкин.

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома маж-буриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоп-лаш тарафларни мажбуриятларни асл ҳолида бажаришдан озод етмайди, қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Демак, қонун мажбу-риятни асл ҳолида бажариш шартлиги билан бирга асл ҳолида бажаришдан озод қилишни ҳам назарда тутган. Масалан, кечиктириб юбориш оқибатида ўзи учун аҳа-миятини йўқотган (ФКнинг 337-моддаси 2-қисми) иж-рони кредиторнинг қабул қилишдан бош тортиши, шу-нингдек воз кечиш ҳақи тарзида белгиланган неустойкани тўлаш (ФКнинг 342-моддаси) қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилади.

Неустойкани қўллаш шартномавий жавобгарликнинг асосий шаклларида биридир. Неустойка фақат мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи восита бўлиб қолмай, балки у мажбурият бажарилмай қолганида ёки лозим да-ражада бажарилмаганида қарздорга нисбатан қўлланиши лозим бўлган юридик чора ҳамдир.

Неустойка атамаси рус тилидан олинган бўлиб, не устоял, яъни ”взял слово, обязательство, но не выполнил” деган маънони беради. Ўзбек тилида берган сўзинг, ваъ-дангни устидан чиқмадинг, яъни субутсизлик деган ту-шунчани билдиради. Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади. қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва, қоида тари-қасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка **жарима** ҳисобланади.

қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун

мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка **пеня** ҳисобланади.

Неустойкани етказилган зарардан фарқ қиладиган ху-сусиятлари қуйидагилардан иборат:

а) неустойка қонунда ёки шартномада олдиндан белгиланиб, тарафларга маълум бўлган ва мажбурият бажарилмай қолган тақдирда қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқий чора (санксия) ҳисобланади.

Етказилган зарарнинг ҳажми эса аввалдан белгиланмайди, у мажбурият бузилганидан кейин маълум бўлади ва белгиланиши мумкин;

б) неустойкани ундириш учун қарздорнинг ҳаракати қонунга ёки шартномага мувофиқ бўлмаслигининг ўзи кифоядир, зарарни тўлатиш учун зарур бўлган талабларни аниқлаш шарт эмас.

Умумий қоидага кўра тарафларнинг жавобгарлиги ва қўлланиладиган чоралар шартномада акс еттирилиши керак, лекин амалда шартномада жавобгарлик чоралари кўр-сатилмасдан қолиши мумкин.

Бундай ҳолатда, қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шарт-номаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажар-маганлик учун “Хўжалик юритувчи субъектлар фаоли-ятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қо-нуннинг 25-32 моддаларида назарда тутилган жавобгар-лик чоралари қўлланилади.

Жумладан қонунда қуйидаги ҳолатлар бўйича жавоб-гарлик белгиланган:

-товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик учун;

-сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўл-маган товарларни етказиб берганлик учун;

-бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун;

-товарларни марка белгисиз, шунингдек товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун;

-аккредитивдан фойдаланмаганлик учун;

-тўлов, товар-транспорт ҳужжатларини юборишни кечиктирганлик учун;

-товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад етганлик учун;

-товарлар ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўла-маганлик учун;

-маблағларни аксептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун.

Шу ўринда кўрсатиб ўтилган жавобгарликнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиш лозим, чунки қонунда белги-ланган жавобгарлик чоралари ҳозирги вақтда суд амали-ётида кенг қўлланилмоқда.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шарт-номавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддаси товарларни етказиб бериш муддатларини кечик-тириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун товар етказиб берувчи (пудратчи)нинг сотиб олувчига (буюрт-мачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият ба-жарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлаш тарзида жавобгарлигини белгилайди, лекин бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажа-рилмаган ишлар ёки

кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шарт-нома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод етмайди. Мазкур модда хў-жалик алоқаларининг деярли барча соҳаларида (олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактасия, пудрат, ҳақ евазига хизмат кўрсатиш ва ҳоказо) юзага келадиган шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажар-маганлик учун жавобгарликни белгилайди.

қонун жавобгарлик чорасини белгилашда пеня миқдорини 0,5 фоиз деб белгиланган бўлсада, унинг енг юқори миқдорини 50 фоиздан ошиб кетмайдиган миқдорда чега-ралаган, бироқ тарафлар шартномада бундан ҳам юқори ёки кам миқдордаги жавобгарлик чораларини белгилашлари мумкин. қонуннинг 26-моддаси сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хиз-матларни) етказиб берганлик учун жавобгарликни белги-лайди.

Бунда, етказиб берилган товарлар (ишлар, хизмат-лар)нинг сифати, ассортименти ва нави бўйича стан-дартлар, техник шартлар, намуналарга (еталонларга), қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи) қуйидаги ҳуқуқларга ега бўлади:

- товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматларни қабул қилишдан бош тортишга;

- уларнинг ҳақини тўлашни рад етишга;

- етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассорти-менти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20% миқдорида жаримани унди-риб олишга;

- агар товарлар (ишлар, хизматлар)ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга.

Жаримани ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги тўлов та-лабномаси етказиб берувчи (пудратчи)га хизмат кўр-сатувчи банк муассасасига лозим даражада емаслиги тўғ-рисида далолатнома тузилгандан кейин 10 кундан кечик-тирмай тақдим етилиши лозим.

Жаримани ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги тўлов та-лабномаси белгиланган 10 кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим етилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади. Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи): товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат бел-гиланган бўлмаса, 15 кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар улар-нинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга;

етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20% миқ-дорида жарима ундиришга;

товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда то-варларни бутлаб бермаса, бут бўлмаган товарларни қай-тариб бериш ҳамда бут бўлмаган товарларни бутланган то-варларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақли (қонуннинг 27-моддаси).

Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик қайсидир жихатдан товарларни тўлиқ етказиб бермаганликка ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам улар ўртасидаги тафовутни аниқ-лаштириш мақсадга мувофиқдир. Тўлиқ етказиб бермаган-лик – шартноманинг амал қилиш муддати давомида унинг товарларни тўлиқ етказиб бериш ҳақидаги шартларининг бажарилмаслигидир.

Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик эса- шартнома, давлат стандартлари, техник шартлар ва бошқа меъёрий-техник ҳужжатлар билан назарда тутилган ашё-лар, еҳтиёт қисмлар ва бошқа элементларсиз тайёрланган (ишлаб чиқарилган) ёки улар бўлган тақдирда ҳам асосий белгиланишдаги товарга қўшиб бермаган ҳолда товарларни етказиб беришдир.

қонунда товарларни марка белгисиз, шунингдек то-варни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Унга кўра жавобгарлик етказиб берувчи томонидан қуйидаги шартлар: марка белгиси қўйилмаган; лозим даражада маркировкаланмаган; идишсиз ёки ўралмаган; тегишли идишга жойланмаган; лозим даражада ўралмаган ҳолда товарлар етказиб берилган тақдирда келиб чиқади.

Етказиб берувчи томонидан ушбу шартлар бажарилмаган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи) қуйидаги ҳу-қуқларга ега бўлади: бундай товарлар қийматининг 5% миқ-дорида жаримани ундиришга; товар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳол-ларда, жарима ундиришдан ташқари ўз кучи билан ва етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўраш ва идишларга жойлашга; сотиб олувчи (буюртмачи) билан етказиб берувчи бир шаҳарда жойлашган бўлса, ундан товарларни ўраб беришни ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга.

Маркировка-бу товарнинг ўзи ёки у жойлаштирилган идишга тушириладиган ёзувлар, шартли белгилар ва расмлар бўлиб, товар сифатининг ўзига хос гувоҳнома-сидир, чунки маркировкага қараб товарнинг сифати учун жавоб берадиган ишлаб чиқарувчини (тайёрловчини) аниқ-лаш мумкин. Лозим даражада маркировкаламаслик – стандартлар, техник шартлар ёки шартнома шартларини бузган ҳолда товарларни маркировкалашдир, жумладан: маркировкада кўрсатилиши мажбурий бўлган бир ёки бир неча реквизитларнинг кўрсатилмаганлиги; маркировка ёзувининг ёки белгисининг ноаниқ туширилганлиги ва уларни ўқиш имкониятини бермаслиги.

Товарларнинг идиши ёки ўраш воситаси (упаковка) - товарларни ташқи муҳит таъсиридан, шикастланишдан, ка-майиб кетишидан сақланишини таъминлайдиган ҳамда уни ташиш, сақлаш ва реализация қилиш жараёнини енгиллаш-тирадиган восита ёки воситалар йиғиндисидир.

Аккредитивдан фойдаланмаганлик учун қонунда товар етказиб берувчининг (пудратчининг) жавобгарлиги белги-ланган.

Аккредитив - нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлла-ниладиган шакллардан бири бўлиб, бунда аккредитив оч-ган банк (банк-емитент) миждоз-тўловчининг (харидор-нинг, буюртмачининг) топшириғи билан маблағларни олув-чига (етказиб берувчига, пудратчига) аккредитивда назарда тутилган барча шартлар бажарилган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Фуқаролик кодексининг 797-моддаси талабларига кўра, аккредитивнинг амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби пул маблағларини тўловчи билан олувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади. Шарт-номада яна қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: банк-емитентнинг (аккредитив очган банкнинг) номи; аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули; маблағларни олув-чини аккредитив очилганлиги ҳақида хабардор қилиш усули; аккредитив бўйича маблағлар олиш учун олувчи томонидан тақдим етиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи; товарлар жўнатилганидан (хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилганидан) кейин ҳужжатларни тақдим етиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаб-лар.

қонуннинг 29-моддасига мувофиқ товар етказиб берувчи (пудратчи) талабига биноан қўйилган аккредитив у амал қиладиган муддат ичида фойдаланилмаса, етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммасининг 5 фоизи миқ-дорида жарима тўлайди. қонуннинг 30-моддаси тўлов, то-вар-транспорт ҳужжатларини юборишни кечиктирганлик учун етказиб берувчининг (пудратчининг) жавобгарлигини белгилайди.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусхасини юбориш ва бошқа ахборотни тақдим етиш тартиби тарафлар ўртасида тузилган шарт-номада белгиланиши ва унда қуйидаги шартлар кўрсатилган бўлиши лозим:

- қайси тўлов ҳужжатлари юборилиши шартлиги;
- қайси товар-транспорт ҳужжатлари юборилиши шартлиги;
- бу ҳужжатларни юбориш муддати (товар жўнатил -гандан кейин неча кун ичида юборилиши лозимлиги);
- товарлар жўнатилганлиги тўғрисидаги ахборотга ни-малар кириши ва ахборот қандай тартибда (телефоно-грамма, факс, хат, телеграмма ва ҳ.к.) ва неча кун ичида берилиши лозимлиги;
- тарафлар ўртасидаги алоқа шартлари ва алоқа воси-таларининг рақамлари билан коди.

Тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусха-сини юбориш ва бошқа ахборотни тақдим етиш тартиби тарафлар учун бажарилиши мажбурий бўлган бошқа меъ-ёрий ҳужжатлар (қарор, йўриқнома, давлат стандарти ёки техник шартлар)да белгиланган бўлиши мумкин. Мазкур ҳужжатларни вақтида юбормаганлик ёки бошқа ахборотни тақдим етмаганлик тарафлар ўртасидаги хўжалик алоқа-ларининг издан чиқишига,

сотиб олувчининг (буюрт-мачининг) қабул қилиб олинган товарларни вақтида кирим қила олмаслигига, етказиб берилаётган товарларни жойлаштириш учун тайёргарлик кўрилиши лозимлиги сабабли хабарномасиз келган товарларни жойлаштиришда муам-молар туғилишга сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам етказиб берувчи сотиб олувчига ахборот тақдим етмаган ҳар бир ҳолат учун етказиб бери-лаётган товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди. қонуннинг 31-моддасида товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад етганлик учун сотиб олувчининг (бу-юртмачининг) жавобгарлиги белгиланган.

Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб бе-рувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад етганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар танлаб олин-маган (олиш асоссиз рад етилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжуд-лигининг кафолатларини тақдим етган ҳолда, танлаб олин-маган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўла-нишини талаб қилишга ҳақлидир.

Демак, қонун қуйидаги ҳар икки ҳолат бўйича сотиб олувчининг жавобгарлигини белгилаган, яъни: товарларни танлаб олмаслик учун; етказиб берувчи товарларни етказиб берганда уларни олишни асоссиз равишда рад етганлик учун. Танлаб олмаслик-сотиб олувчининг шартномада бел-гиланган тартибда ва муддатларда етказиб берувчининг ом-боридан маҳсулотларни (товарларни) олиб кетиш (қабул қилиб олиш) тўғрисидаги шартномада назарда тутилган мажбуриятини бажармаслигидир.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам сотиб олувчи ёки буюртмачи, шартномани имзолаб, маълум бир товарни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбу-риятини ўз зиммасига олган бўлса, шартномада белгиланган тартибда шу товарни қабул қилиб олиши шарт.

қонун товарларни олишни асоссиз равишда рад ет-ганлик учунгина сотиб олувчининг жавобгарлигини бел-гилайди ва товарларни олишни рад етиш асосли бўлиши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлмоғи лозим:

а) етказиб берувчи томонидан товарларни етказиб бе-ришнинг шартномада белгиланган муддати ўтказиб юбо-рилган бўлса (башарти, шартномада товарларни етказиб бе-риш муддати ўтказиб юборилган тақдирда кейинги даврда уларнинг ўрнини тўлдириш шарти назарда тутилмаган бўл-са);

б) товарлар сотиб олувчининг (буюртмачининг) рози-лигисиз муддатидан олдин етказиб берилган бўлса (агарда товарлар сотиб олувчи томонидан қабул қилиб олинса, улар кейинги даврда етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдorigа киритилади);

в) товарларнинг шартнома шартларига номувофиқлиги (миқдори камлиги, сифатсизлиги, бутланмаганлиги, ассор-тименти лозим даражада

емаслиги, товарга мансуб ашёлар ва ҳужжатлар топширилмаганлиги) аниқланган бўлса, ва етказиб берувчи сотиб олувчининг ушбу шартларни бажа-риш тўғрисидаги талабларини белгиланган муддатда, агар бундай муддат белгиланган бўлмаса, оқилона муддатда ба-жармаган бўлса;

г) тарафлар шартномада бажарилиши шарт деб белги-лаган шартлар етказиб берувчи томонидан бажарилмаган бўлса ва шартномада сотиб олувчига шундай ҳолатда то-варни қабул қилишдан воз кечиш ҳуқуқи берилган бўлса.

Ҳозирги вақтда шартнома мажбуриятларини бузи-лишининг кенг тарқалган турларидан бири товарлар (иш-лар, хизматлар) ҳақини тўламаслик ёки ўз вақтида тўла-масликдир. қонун унга қуйидагича таъриф бериб, жавоб-гарликни белгилайди.

Тўлов талабномаси аксептини асоссиз равишда бу-тунлай ёки қисман рад етганлик, шунингдек ҳисоб-ки-тобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномаси тақдим етмаганлик, чекни бермаганлик, аккредитивни тақдим етмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тў-лашни рад етган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (бу-юртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқ-дорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фои-зидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

қонуннинг 33-моддаси маблағларни аксептсиз ҳи-собдан чиқарганлик учун қуйидаги жавобгарликни белги-лайди:

ҳисоб варақдан маблағларни асоссиз равишда ак-септсиз ҳисобдан чиқарганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга асоссиз равишда аксептсиз ҳисобдан чиқарилган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди;

аксептсиз шакл бўйича банк тўловчининг розилигини олмасдан ҳам тўлов талабида кўрсатилган суммани маб-лағларни олувчига тўлаб беради.

Мазкур моддада белгиланган жавобгарлик келиб чи-қишининг зарурий шарти- маблағларни тўлов талаби билан аксептсиз ҳисобдан чиқаришнинг асоссиз равишда амалга оширилган бўлишидир. Маблағлар қуйидаги ҳолларда тўлов талаби билан аксептсиз ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

-билдирилган талабномага берилган ёзма жавобда қарздор талабномани тўлиқ ёки қисман тан олган бўлса ва талабномани тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган сумма ўтказилиши ҳақида маълумот бўлмаса, жавоб олинган кундан 20 кун ўтгач - жавобда тан олинган суммани;

-сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўл-маган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бер-ганлик учун сифати, ассортимент ва нави лозим дара-жада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жаримани, бу ҳақда далолатнома тузил-гандан кейин 10 кундан кечиктирмай;

-коммунал ва алоқа хизматлари (газ, сув, электр ва иссиқлик энергияси, оқова сувларни қабул қилиш, телефон алоқаси, почта ва телеграф

харажатлари, чиқиндиларни олиб кетиш ва ҳоказолар) учун ҳисоб-китоб қилишда-шу хиз-матлар ҳақини.

Лекин, амалдаги қонун ҳужжатларига, жумладан ФК-нинг 333-моддасига мувофиқ шартнома мажбуриятини ба-жармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф айби бўлган тақдирдагина жавобгарликка тортилади. Агар тараф мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади. Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади. Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли (табiiй офат, ҳарбий ҳаракатлар ва ҳ.к.) имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

қуйидагилар форс-мажор вазияти ҳисобланмайди:

- қарздорнинг шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши;
- мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги;
- қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги.

Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахсининг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175, 176¹, 176, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги Фармонида мувофиқ хўжалик судларига:

хўжалик низоларини кўриш жараёнида жиноят ало-матлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўз-ғатиш;

иқтисодий ҳуқуқбузарликларни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш;

хўжалик юритувчи субъектга етказилган мулкiiй зарарни айбдор мансабдор шахслардан ундириш;

пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаслик, тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхоналарни банкротлик даражасигача олиб келганлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини ва бошқа ходимларни егаллаб турган лавозимидан озод етишга қадар бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга тақ-димномалар киритиш ҳуқуқи берилган.